

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



БЕТАКРОРИМсан, ЯГОНасан, она ВАТаним – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бери-

либ, олий нишон – «Олтин юлдуз» медали топирилсин:
Ганиева Суйима Ганиевна – Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг «Мумтоз филология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри
Санакулов Кувондик – «Навоий кон-металлургия комбинати»

давлат корхонаси бош директори, Навоий вилояти
Топволдиев Таваккал Темирович – «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси
Ҳосилов Аваз – Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2015 йил 25 август.

И. КАРИМОВ.



Ганиева
Суйима Ганиевна



Санакулов
Кувондик



Топволдиев
Таваккал Темирович



Ҳосилов
Аваз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона

фойдаланиш мақсадида:
2015 йил 29 август шанба дам олиш куни 2015 йил 31 август дун

шанба кунига кўчирилсин;
2015 йил 29 август шанба кун иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2015 йил 25 август.

И. КАРИМОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз факхрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:

«Меҳнат шухрати» ордени билан
Абдуқодирова Саломат Махкамовна – Охангарон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси
Содиқов Абдувоҳид – Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери бош шифокори – вилоят бош фтизиатри
«Шухрат» медали билан
Узокова Санобар Тиркашовна – Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси «Кавардон» қишлоқ врачлик пункти мудири
Ҳожиёв Хайрулла Фуломқодирович – Зангиота агросервис касбхонар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

ЮКСАК МАРРАЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Санокли кунлардан сўнг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги санасини нишонлаймиз. Ҳар йили алоҳида кўтаринкилик билан тантана қилинадиган истиклол байрами мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаликка айланди.

Шу кунларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган юксак натижалар ҳаммамиз учун улуг ва азиз бўлган истиклол берган имкониятлар билан боғлиқ эканини ҳар бир юртодошимиз теран ҳис этиб турибди. Боиси, қўлаб милаб ва элатларни ўз бағрида бир оиладек бирлаштириб, уларнинг

фаровон ҳаёт кечириши, ҳар бир фуқаронинг чин инсон сифатида қадр-қиммат топиши тарихий қисқа даврда эришганимиз – мустақиллик, эрк ва озодлик шарофатидир. Шу маънода бугун истиклолни тинччилигимиз, фаровонлигимиз ва жаҳонда тенглари ира тенг бўлишимизни тасминлаган етуқлигимиз рамзи

десак, асло хато бўлмайдди.
Юртбошимизнинг мустақиллик байрамини кенг нишонлашга бағишланган махсус Қароридан бугунги кунга қадар қўлга киритган юксак марраларимиз алоҳида кўрсатиб ўтилган. Аҳамиятли жиҳати, бу ютуқларга ҳар кун, ҳар жаҳада гувоҳ бўлиб, қундалик турмушимизда баҳра олиб турибмиз. Унда ҳар бир юртодошимизнинг озми-кўпми, ҳиссаси муҳассам.

(Давоми 2-бетда).

Умумхалқ хайрия ҳашари

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Илгари хабар қилинганидек, 22-23 август - шанба ва якшанба кунлари бутун мамлакатда бўлганидек, Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Давлат Мустақиллигининг 24 йиллиги байрами олдидан анъанавий умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ҳар йилги анъаналарга кўра, халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамини бағишланган бу ҳашар вилоятнинг ҳамма қишлоқ ва маҳаллаларида, кўп қаватли бинолар атрофида, гузару хибонларда, болалар ўйингоҳлари ва майдончаларида, шунингдек, зиёратгоҳу қабристонларда бутун аҳолининг уюшқоқлиги билан ҳамда ғоят кўтаринки руҳда ўтди. Фуқаролар-

Ҳар йилгидек аввалдан белгиланган режага кўра, шанба-якшанба кунлари 8154 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 4462 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланиб, тартибга келтирилди. Айниқса, 746 та қабристон ва 27 та зиёратгоҳ ҳашарчилар билан жуда гавжум бўлди. Икки кун давомида 1 миллион 195 мингдан зиёд турли дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Ободонлаштириш ва тозалаш тадбирлари жараёнида ҳосил бўлган 7826 тонна ҳар хил чи-

қиндилар махсус ажратилган жойларга ташиб кетилди. Бунинг учун 1624 та техника воситалари жалб этилди.
Кўп болали, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож 964 та оиланинг уй-жойлари ҳар йилги анъаналарга кўра «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ҳамда ҳомийлар кўмағида таъмирлаб берилди. Бунинг учун қарийб 125 миллион сўм маблағ сарфланди.

1135 та ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, шунингдек, эҳтиёжманд, ёлғиз қария ва

ногиронларга моддий ҳамда мурувват ёрдами кўрсатилди. Ушбу тадбирларни «Маҳалла» фонди вилоят бўлими ва ҳомийлар 117 миллион 500 мингдан зиёд маблағ билан таъминлади.
Анъаналарга кўра, умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимлари ва бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бошқарувининг банкдаги ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда ўтказилди.

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР – БАХТ ОШЁНИ



Дунёда бири иккинчисидан қолиш-майдиған гўзал гўшалар, узок йиллик ўтмишга эга тарихий масканлар кўп. У ерлари кўргангизда беихтиёр тугилиб ўсган юртингиз кўз

олдингизда бутунлай бошқача бир жожиба билан намойён бўлади. Ёрдўстларингиз, таниш-билишларингиз, юртдошларингизга меҳрингиз ўзгача товланиб кетади...

дик. Қадимшуносликда янги саҳифа очилди. Неча минг йиллик тарихга эга масканларимиз замонавий шаҳарсозликка уйғун ҳолда таъмирланиб, янги-ча қиёфа касб этмоқда.
Ушбу қишлоқдаги «Боғишамол», «Янгибозор», «Турон», «Бобурмирзо» сингари етти маҳалла фуқаролар йиғинида қарийб 22 минг аҳоли истиқомат қилади.

(Давоми 4-бетда).

СУРАТДА: Чиноз тумани, Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини «Бирлик» маҳалласидаги хонадонларда уй тўйлари. Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Ким эдигу ким бўлдик?

ТУТАШ ДИЛЛАР

Ҳакима Кўлдошева билан учрашувимиз ҳаяжонли бўлди. Бир пайтлар дондор пахтакор бўлган опанинг чеҳрасига вақт ўз таъсирини ўтказгандек. Бирок, чакноқ кўзлар, эркакчасига дадил гапиришлар ўша-ўша:

– 1969 йили Чиноз туманининг Олмазор шаҳарчасидаги ҳунар-техника билим юртида бир йил ўқиб, механизатор бўлганман. Ушанда йигирма ёшда эдим, турмушга чиққангизга бир йил бўлганди. Турмуш ўртоғим Тўра Эрматов механизаторликка ўқитишга қаршиллик қилмаганлар. 1970 йилдан пахтачилик бригадасини бошқардим. Турмуш ўртоғим сувчилик қилди-лар. 100 гектар ерга пахта экиб, кечаю кундуз

ишлардик. Биринчи йиллик 40 центнердан ҳосил кўтардик. Ер янги, кучли эди. Кейинги йили яна 150 гектар қўриқ ер қўшиб беришди. Ҳақиқий азоб шундан бошланди. Янги ерга учта босқичда сув чиқарардик. Яъни, насос билан Бўзсув дарёсидан кир ўртасидаги қўлга, қўлдан лотокка. Шундаям 40 центнердан ошириб ҳосил олдик. Ўзим тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинасида пахта тердим.
– Аёл киши учун бундай ишлар осон бўлмагандир?
– Албатта осон бўлмаган. 1970 йили биринчи фарзандим Шахло туғилди. Уни аввал яслига,

кейин боғчага топшириб, ишлайвердим. Шахло кейинчалик бадий гимнастика бўйича спорт устаси бўлди. Шахлудан кейин икки йил ўтиб ўғлим Қаҳрамон, 1977 йилда Отабек дунёга келишди. Ёш болалар билан ишлаш осон эмасди. Лекин эпладим, турмуш ўртоғим қўллаб-қувватладилар.
1983 йилда «катта»лардан бирининг «гапини» икки қилганим учун у «пахта иши», «ўзбеклар иши»га қўшиб юборди. Ҳалол, пок одам албатта оқланаркан... Лекин, шундан кейин ишимга қайтиб бормадим...

Кунларнинг бирида хасталаниб, шифохонага

тушиб, парикентлик фермер Мунаввара Насибова билан танишдим. Уни сингилм дедим. У мен эришолмаган ишларга қўл урган аёл экан. Биз бир умр опа-сингил бўлиб қолдик. Сизни сингилмининг қишлоғига олиб бораман.
Мен рози бўлдим. Машинамиз Парикентга кириб кела бошлаганда:
– Ҳу-ув, тоғ ўнгиридаги боғларни кўраяйсизми? – деди Ҳакима опа. – Мана шу ерлар фермер сингил Мунавварага тегишли. Унда ўзимнинг ёшлигимни кўраман, жуда бахтли аёл. Биз бригадир бўлиб

(Давоми 2-бетда).

Бандлик

Янги иш ўринлари яратиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Бунда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ўрни юқоридир. Уларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига беvosита юклатилган.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Хусусан, вилоят прокуратураси органлари аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан доимий назорат ўрнатган. «Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъ-

(Давоми 2-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРИМИЗДА

Ўзбекистон faxрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими фаолиятида Кексаларни эъзозлаш йили сермахсул бўлди. Жамғарма йил бошидан кексаларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастури асосида қатор тадбирларни амалга ошириб, нуронийлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Айниқса, 1941-45 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти faxрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакиллари

муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни мақсад қилган жамғарма энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида қатор хайрли сазй-ҳаракатларни

амалга оширмоқда. Қадимий ва навхирон шахар Самарқандга саёҳат вилоятимизнинг 60 нафар кексаларига беҳад шодлик, кўнгилларига оройиш, ҳузур бахш этди.

– Одамларга қувонч бахш этиш, айниқса кексалар кўнглини кўтариш, чечраларидаги самимий миннатдорлик туйғуларини кўришнинг гашти ўзгача, – дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори, раис ўринбосари Мир-

ғиёс Мирзахмедов. – Мустақиллигимизнинг ноёб неъматларидан бири "Афросиёб" тезорар поезди бир зумда шахри азим Самарқандга етказиб қўйганидан хурсанд чечралар кўнглимизни офтобдек ёритди. Аллома, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий қадамжоси зиёратидан бошланган саёҳат Афросиёб, Регистон, Шохизинда, Гўри Амир, Мирзо Улуғбек расадхонаси бўйлаб давом этди. Кексаларимиз Самар-

қанддаги тарихий обидалар, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ишларини кўриб, ўтмиш келажак ўртасида бир кўпrik бўлаётган истиқлол шарофатида шукроналар келтиришди.

Шу кунгача, тарихий қадамжолар, жумладан, Тошкент шаҳридаги қадимий ёдгорликлар, Зағиота, Қатагон қўрбонлари музейи, янги очилган "Минор" масжиди зиёрати унда иштирок этган 900 га яқин кексалар, маҳаллалар фаоллари, уруш ва меҳнат faxрийларига маънавий рағбат бўлди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Август конференциялари

Куйи Чирчиқ туманида халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари олдидан ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари, методик таъминлаш бўлими ва маслаҳатчи методистлар иштирокида ташкилий методик семинар ўтказилди.

ТАЛАБ ВА ТАВСИЯЛАР, ТАКЛИФЛАР



Унда "Анъанавий август кенгашларини юқори савияда ўтказиш, тавсия этиладиган тақдимотлар, электрон ресурслар, тарқатма материалларни таҳлил қилиш ҳамда таълим жараёнига жорий этиш тўғрисида", "Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида 2015-2016 ўқув йили учун ДТС ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга оид амалга ошириладиган ишлар", "Маънавий-маърифий ҳамда маданий-ахлоқий ишларни такомиллашти-

ришга оид амалга оширилган ишлар хусусида" маърузалар тингланди.

Семинар давомида ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқитувчи, мураббий, усталарининг билим ва иқтидорини, лаёқати, касб маҳорати, уни тинмай ошириш учун ўз устида мунтазам ишлаш, замонавий таълим стандартларини чуқур ўзлаштириш ҳақида талаб ва тавсиялар, таклифлар билдирилди.

Саида ИКРОМОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.

Мактаб бозори

ОТА-ОНАЛАР УЗОҒИ ЯҚИН БЎЛДИ

Фарзанди мактаб ёшига етган ота-онанинг қувончини ҳеч қувваттанмасиз? Ўқув йили бошланишидан анча аввал боласига мактаб формаси излаб бошлайди, ўқув қуроллари олиш ҳаракатида тушади. Тўғри-да, ким дилбандининг мактабга ораста, чиройли кийиниб боришини хоҳламайди, дейсиз?!

Ҳар янги ўқув йили олдидан ташкил этиладиган анъанавий мактаб ярмаркалари ота-оналарнинг узоғини яқин қилмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабидagi ярмарка 1 августдан иш бошлади. Мактаб ҳар кун ота-она ва ўқувчилар билан гап-савдо сервис" масъулияти чекланган жамияти шартнома асосида 40 турга яқин ўқув қуролларини мунтазам етказиб бермоқда.

– Ярмаркада мактаб формалари сотувини ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди мактаб директори Саида Мирзахимов-

ва. – Оқ кўйлак, нимча, шим, галстук, костюм-юбканинг нархи ҳам ҳамёнбоп. Махсус белги туширилган мактаб формаларини "Диёр фойз" хусусий корхонаси чеварлари тикишмоқда.

Нозима АРСЛОНОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.



УСТОЗЛАР КЕНГАШИ

"Халқи тинч, оёғини обод, турмуши фаровон юртга тўйлар ярашади" дейишади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар кун янгилик, ҳар бир кун шоду хуррамлик билан ўтаётган элимиз оstonасида яна бир улкан шодиёна эшик қоқиб турибди. Бу – энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллик, эрқу озоодлик тантанасидир. Унга қўшилиб келаётган яна бир қутлуг сана – эртанги кун эгалари – азиз болажонлар учун янги ўқув йилининг бошланиши, қадрдон мактаб, меҳрибон ўқитувчилар билан учрашишдек сурури дамлар...

Бу кунга астойдил тайёргарлик кўриб, янги таъмирдан чиққан кўркам, тоза, озода илм масканларини шай қилиб қўйган халқ таълими ходимлари, ўқитувчи-мураббийлар бажарилган ишлар, келгуси режалар хусусида сўзлашиб олиш учун анъанавий август кенгашларига йиғилишди.

Вилоятимизнинг фаёли гўшаларидан бири, Паркент туманининг



"Қўшчинор" истироҳат боғида ўтказилган анжуманга Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари, педагоглар, faxрий ўқитувчилар, соҳа мутахассислари ташриф буюришди. Унда мамлакатимизда халқ таълими соҳасига берилаётган катта эътибор, қўлалми ишлар, ёш авлод таълим-тарбияси учун яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар, масъулият ва мажбуриятлар ҳақида сўз борди.

Кенгашда иштирок этган 44 нафар faxрий устозлар шарафланиб, эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, вилоят миқёсида энг яхши

кўрсаткичга эришган таълим муассасалари, раҳбар ва алоҳида ўрнатилган ўқитувчию ўқувчилар республика Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармасининг faxрий ёрлик ва дипломлари билан тақдирландилар. Халқ шоири Махмуд Тоир, Аббас Хидоятлов номли Тошкент Давлат академик драма театри артистларининг чиқишлари тадбирга алоҳида фойз, иштирокчиларга кўтаринкилик, завқ, шавқ бағишлади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Бандлик

Ўқитишга юбориш кўзда тутилган. 2015 йилининг 6 ойида вилоятда бандликка қўмақлаштиш марказларига мурожаат қилган 10 минг 84 фуқаронинг 9385 нафари иш билан таъминланди, шундан 282 нафари ишсизлик макомини олиб, 273 фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ҳозир иш топишга қийналаётганлар учун интернет орқали янги иш ўринлари дастури ташкил этилган бўлиб, исталган шахс ўзига қулай ҳудудларда бўш иш ўринлари ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин.

Вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида 2015 йилда 78 марта меҳнат ярмаркаси ўтказиш режалаштирилган бўлиб, 6 ой давомида маҳаллий ҳокимлик ва прокуратура органлари тўмағида 45 та ярмарка ташкил этилди. Уларда 2041 та корхона 23 минг 381 та бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, 13 минг 740 фуқаро қатнашиб, 1916 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди.

2014-2015 ўқув йилида касб-хунар коллежларининг 37 минг 162 ўқувчи битириш кўзда тутилди, иш беришчилар ҳамда 36 минг 841 битирувчи ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди. Прокуратура органлари ушбу шартномаларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб ва асосий эътиборни уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш чораларини кўришга қаратмоқда.

Лекин, прокуратура органлари ўтказаятган назорат тадбирлари қўл қолмади давлат хизматчиларининг ўзлари қонун нормалари мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаётганлари ҳамда ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганлари оқибатида қонунбузилишлар содир

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



бўлаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш Дастурининг ижросини айрим бандликка қўмақлаштиш марказлари лозим даражада бажармай, янги иш ўринлари яратилгани, фуқаролар ишга жойлаштирилгани ҳақида сохта маълумотлар таъайтгани маълум бўлди. Вилоят прокуратураси органлари ўтказган текширишларда 101 та янги иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилгани аниқланди. Бу борада Ангрен ва Бекобод шаҳарлари, Қўбрай ва Юқори Чирчиқ туманлари бандликка қўмақлаштиш марказлари "жонбозлик" кўрсатган. Текширишлар якунига кўра, қўшиб ёзишда айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда янги-янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш мунинг аҳамиятга эга. Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида, вилоят прокуратураси органлари ва мутасадди идоралар ҳамкорлиги-

да йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларда 942 та янги тадбиркорлик субъектлари ва 1305 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, вилоят прокуратураси ва давлат идоралари раҳбарлари иштирокида ҳар ойда тадбиркорлар билан жойларда учрашувлар ўтказилмоқда.

Шу йилнинг ўтган даврида Қирғай, Зағиота, Янгиўл, Чиноз, Пискент туманлари тадбиркорлари билан ўтказилган учрашувларда, улардан 5 нафарига 260,6 млн. сўм кредит ажратилди, 20 нафарига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномани расмийлаштиришда ёрдам кўрсатишда, 73 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жойларда ишлаб чиқариш корхоналари ва миллий хунармандчилик муассасалари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилиб, тижорат банклари ҳам кредит бериш ва бошқа хизматлари ҳақидаги маълумотлар билан қатнашмоқда. Учрашувлар давомида тадбиркорлик оstonасига энди қадам ташлаётган коллеж битирувчиларига имтиёзли кредит олиш учун тижорат бан-

Ким эдигу ким бўлди?

ТУТАШ ДИЛЛАР

огир меҳнат қилардигу, қадралмасдик, фикрини эинбатта олинмасди. Паркентлик синглим эса ўз ерининг ҳақиқий хўжайини, қишлоқ мулкдори. Шунинг учун унга ҳавас қиламан-да. Навдак Паркентнинг энг чекка, тоғли қишлоқлари-дан бўлса ҳам врачлик пункти бор, барча хонадонларда табиий газ ёнади...

Бошқизилсой кўпригида етганимизда, қаршимизда енгил машина тўхтади. Рулдаги киши биз билан самимий сўрашди.

– Бу киши Абдуқаҳҳор Насибов бўладилар, – дея таништирди Ҳакима опа. – Мунаввара синглимининг турмуш ўртоқлари. "Феруз" фермер хўжалигини ҳамкорликда бошқаришади. Богдорчиликда тажрибалари катта.

Абдуқаҳҳор: "Мен қорвадан хабар олиб қайтаман, сизлар бораверинглар" деди.

Қишлоқ ўртасидаги катта хонадонда бизни Мунаввара қарши олди.

– Катта ўғлимиз Умид-

(Давоми. Боши 1-бетда).

жон шаҳарда, ички ишлар соҳасида хизмат қилади, – деди Мунаввара опа. – Зоҳиджон, Воҳиджон, Ферузжон, келинларим Зулхумор, Дилдора ҳам фермер хўжалигида ишлашаёпти. Кичик келин Сурайёхон билан тандирга нон ёпиб, тушлик тайёрлаётган эдик. Ризқ-насиб-да, марҳамат, дастурхонга қаранглар.

Бир пиёла чой устида фермер билан суҳбатлашдик.

– Фермер хўжалигимиз 1995 йилда ташкил этилган, – деди Мунаввара. – Ҳар йили боғларни, галлазорни кенгайтириб бордик. Йигирма гектар олма боғи, ўн гектар нокзор, яна шунча бодомзор бор. Икки гектарни интенсив боғ қилиб, олма эдик. Бу йил боғлар айни гулга кирганда қор ёғди. Табиат инжиқлиги-да, библи бўлмади. Лекин, етмиш гектарга экан бўғдойимиз яхши бўлди. Режадаги 43 тонна ўрнига 50 тонна дон топширдик. Ўтган йили боғларимиздан ҳам яхши даромад қилдик, 50 тонна олма, 12 тонна нок олдик.

"Феруз" фермер хўжалигининг келажаги ҳақида сўрадик.

– Фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлгани маъқул экан, – деди у. – Айниқса, бизнинг тоғ шариотида имкониятлар кенг. Шунинг учун бу йилдан чорвачиликка қўл урдик. Қўйхона қурдик. Бекободдан ҳисори қўйлар олиб келинди. Ҳозир 200 бош қўйимиз, от, сиғирлар бор. Насли сиғирларни кўпайтирмоқчимиз. Бу йил боғларимизни ҳам кенгайтирдик, минг туپ олма қўчати эканмиз...

Чотқол тоғлари бағридаги Навдак қишлоғини кезар эканмиз, Ҳакима опанинг кўнгли кўтарилди:

– Қаранг, диллар туташса, кўнгли яқин одамлар бир-бирини топар экан-да, – деди у. – Мен Мунаввара синглимининг ишларида ҳавас қиламан. Буларнинг бари мустақиллигимиз туфайли, ушқон! Биз бу азият неъматининг қадрига етишимиз, ардоқлашимиз, кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни унутмаслигимиз лозим.

Абдужалол РАХИМОВ.

ЮКСАК МАРРАЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробар ўсди, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар кўпайди, жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, дунёнинг санокли давлатлари қаторида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмагани асрга татигулик натижалар дейиш мумкин. Айниқса, истиқлолга қадам умулан мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизини бераётгани ва уларда аҳолининг 75-77 фоиз бандлиги ушбу соҳа мамлакат тараққиётида энг асосий қўлга айланиши тўғрисида, Бу ўз истеъдоди, билими ва яратувчан қобилиятини яқоқл намоён этаётган юртдошларимизнинг сазй-ҳаракатлари самарасидир.

Бугун кичка даврда мамлакатимиз эришяётган муваффақиятлар турли нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан

ат қиладиган бўлса, ўтган йигирма тўрт йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробар ўсди, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар кўпайди, жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, дунёнинг санокли давлатлари қаторида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмагани асрга татигулик натижалар дейиш мумкин. Айниқса, истиқлолга қадам умулан мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизини бераётгани ва уларда аҳолининг 75-77 фоиз бандлиги ушбу соҳа мамлакат тараққиётида энг асосий қўлга айланиши тўғрисида, Бу ўз истеъдоди, билими ва яратувчан қобилиятини яқоқл намоён этаётган юртдошларимизнинг сазй-ҳаракатлари самарасидир.

Бугун кичка даврда мамлакатимиз эришяётган муваффақиятлар турли нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан

этироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг бизнес-рўйхатга олиш шартлари жаҳон миқёсида 66 позицияга кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича эса 24 поғона юқорига кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги ўн йилда бизнес юртишнинг енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ишхотлар бўйича етакчи ўн та мамлакат қаторидан жой олди.

Бундай эътироф ва натижалар ҳақида кўп гапириб мумкин. Бугун халқимиз асрлар давомида интилиб, қурашиб яшаётган мустақиллигимизнинг қадр-қимматини англаб етиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шубҳасиз, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш ва ватандошларимизни янги марралар сари бошлаш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Аҳдхам НАЗИРКУЛОВ,
Олий Мажлис
Конунчилик
палатаси депутати.

Огоҳлик

Куни кеча маҳалламизнинг бир гуруҳ фаоллари идорамизга ташриф буюриб, байрам шодиёналарини муносиб қутиб олиш хусусида фойдали таклиф-мулоҳазалар билдиришди. Қўлларидан байрам арафасида маҳалламиз оёдонлаштириш, маданий тадбирлар уюштириш билан бирга, хавфсизлигини таъминлаш чоралари белгиланган дастур ҳам бор эди. Аслида ҳам ўндан зиёд миллат ва элат вакилларидан иборат икки ярим мингга яқин киши яшаётган маҳалламиз аҳли азалдан баҳамжияҳат.

ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ ҲУШЁРМИЗ

Фаолларимиз ташаббусининг замирида истиқлол шодиёналарининг ўзига хос фойз-таровати ва шукруни ҳар бир фуқаро қалбига етказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишхотлар жараёнида аҳолининг фаоллигини кучайтириш, байрамни тинч-осойишта, ўзаро ҳамжияҳатликда ўтказиш сирини эзгу мақсад муҳассам. Зеро, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик йиллигига таъйирига қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги Қарорида мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, жумладан, ёшлар онгига чуқур сингдиришда "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган ҳаётий ҳақиқатга таяниш асосий мезонлардан бири сифатида белгилангани беҳис эмас.

Шу тариқа юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, байрам тадбирларини намунали ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида фаоллардан иборат махсус комиссия тузилди. Кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, тозалаш учун ҳашарлар

уюштириш билан бирга тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, атрофда бўлаётган воқеаларга нисбатан огоҳлик ва ҳушёрлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида "Ўз уйингни ўзинг асра", "Маҳалла бедар-воза эмас", "Ободлик кўнглидан бошланади" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этмоқдамиз. Ўйлабманки, бу каби тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшларни нафақат мамлакатимиз, балки дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламизда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" эзгу ғояси остида ўтказилаётган энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини кўтаринки қайитиб билан бирга ҳар қаҳонгидан ҳам ҳушёр холда қутиб олаёلمиз. Муваззам ТУРДИЯЛИЕВА,
Чирчиқ шаҳридаги
Аҳмад Ясавий номли
маҳалла фуқаролар
йўғини раиси.

«Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси»

акциядорлик жамияти
ватандошларимизни

Мустақиллик

байрами
билан
қизгин
қутлайди.

Юртимиз тинч, маҳаллаларимиз обод бўлсин!
Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб, Ўзбекистонимизнинг
шон-шухрати дунё бўйлаб таралаверсин!

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним - Ўзбекистоним!" шиори остида Ўзбекистон санъат усталари асарлари кўргазмаси очилди. Унда ўзбек ва бошқа турли миллат вакиллари иборат рассомларнинг мавзунинг акс эттирувчи рангтавир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари ўрин олган.

РАСМЛАРДА ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ

Экспозициядаги ижод намуналарида мамлакатимизнинг гўзал табииати манзаралари, фаслларнинг ўзига хос хислатлари, маданиятимизнинг таъкили вақиллари, ёши улуглар портретлари, беғубор болалик, заманимиз неъматлари, миллий қадриятлар акс этган. Улар орасидан вилоятимизнинг ранг-баранг ҳудудлари табиат манзаралари акс этган асарлар ҳам ўрин олган. Тақдим этилган "Чимёнда гуллар очилди", "Чимёнда туман", "Чорвоқда куз", "Бурчмулла", "Оқтошда", "Оқтош. Сой оқмоқда", "Ғазалкентда кеч маҳал", "Бештут", "Ҳом дарёси", "Ҳожикент", "Сўқоқ", "Сўқоқ тепалиги", "Сўқоқ кўчаси", "Тангтопди қишлоғи" каби асарлар ихлосмандларни бефарқ қолдирмайди, мулоҳазаларга чорлайди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Болалар спорти

БУ ЕРДА БЎЛАЖАК ОЛИМПИДАЧИЛАР ЎҚИЙДИ

Бекобод қишлоғидаги "Янгиовул" маҳалласида Бекобод шаҳридаги 2-ихтисослашган "Олимпия заҳиралари" болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак эшиш бўйича филиали очилгани бежиз

Спорт мактабига 15 ёшдан қабул қилинади. Айниқса, қизларнинг филиалга кўпроқ жалб этилаётгани қувонарли ҳолдир.

Иш бошлаганимизга икки йилдан ошди, - дейди бош мураббий Шарифжон Алимов. - Мен билан бирга Равшан Мавлонов, Камолитдин Раҳимов, Манзура Қосимова, Ҳаёт Азаматов каби мураббийлар ёшларга спорт сирларини ўргатишмоқда. Улар олий маълумотли, малакали мутахассислар. Академик эшак эшиш - болаларнинг кучли, жасур, бакуват бўлиб етишишларида катта роль ўйнайди. Ҳозир юзга яқин

спортчи шуғулланмоқда. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ ёшлари.

Академик эшак эшиш спортининг байдарка ва каноз йўналишлари бўйича республика мусобақаларида бекободлик спортчилар муносиб қатнашиб келишяпти. Спорт мактабининг ўндан ортқ ўқув-

чиси Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган. Эндиликда қишлоқ ёшларининг ҳам машғулотларда маҳоратлари ортиб, шаҳарлик тенгдошларидан қолшмаяпти. Дилшода Бегимкулова, Махли Сайдинова, Анвар Хошимов, Жасур Мавлонов каби ёшлар анча



Янги ўқув йили бошланиши билан спорт мактаби филиали спортсевар ёшлар билан янада гавжум бўлади. Зеро, бу ерда бўлажак олимпиадачилар воғга етаётган бўлса ажаб эмас.

тажриба орттириб, дастлабки турнирларда галаба нашидасини сурдилар. Педагогика коллежи битирувчиси Шохиста Раҳмонкулова эса Ўзбекистон кубоги мусобақаларида фахрли ўринни эгаллаб, олий ўқув даргоҳига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлди.

Мен 42-умумтаълим мактабининг 5-синфини тугатдим. Эшак эшиш спортига жуда қизиқиб қолдим. Ҳозир шу спорт мактаби машғулотларига қатнашяпман, - дейди Ҳаётбек Нормаматов.

Янги ўқув йили бошланиши билан спорт мактаби филиали спортсевар ёшлар билан янада гавжум бўлади. Зеро, бу ерда бўлажак олимпиадачилар воғга етаётган бўлса ажаб эмас.

Каримкул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Озод юртнинг обод уйлари



ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР – БАХТ ОШЁНИ

Кейинги йилларда ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, инфратузилма тизимини янада яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўнлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, аҳолига сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Ўтган йили Бобурмирозо маҳалласида намунавий лойиҳа асосида 45 та замонавий турархона қурилгани, кенг ва раван йўллар, кўчалар, барча қулайлик ҳамда шарт-шароитларни ўзида мужассам этган маданий-маиший иншоотлар барпо этилгани далварзинликларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Узоқдан қараганда муҳир мусаввир чизган суратга ўхшаб қўринадиган хонадонлардан бирида Султоновлар оиласи яшайди. Оила бошлиғи Муҳиддин Султонов - фермер. У бултур ғалладан олган фойдасини хомчўт қилган, ўғиллари уй кераклигини ўйлаб қолди. Қурилиш қилишининг ўзи бўлмайди, бу ёқда тўй бошлайман, деб турибди. Мақсад аниқ бўлса, ўлдуга қўл етар замон келгани рост. Мана, ҳеч қанча вақт ўтмай фермернинг ўғли ҳовли тўйи қилди...

Олтишдан ошдим, - дейди Муҳиддин ака. - Ўйлаб кўрсам, умримнинг ярми уй қуриш билан ўтибди. Ҳали униси битмайди, ҳали буниси. Бу замонавий қурилиш. Қор кетгандан қор тушгунча ҳовлимиздан уста аримайди. Лойиҳа бошиданок пишиқ бўлмаса, шу экан-да! Шуларни ўйлаб, онаси билан маслаҳатлашиб, ўғлимизга қишлоғимизда намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлardan бирини олиб бердик. Тўртдан бирини тўладик, қолганини даромадимизнинг бир қисмидан йилма йил тўлаб борадиган бўлдик. Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган бундай қулайлик кимга ёқмайди, дейсиз?! Уй-жойлар қишлоқ одамларини ўйлаб, яшаш тарзимиздан тортиб, топиш-тутишимизгагина иносбатга олиниб лойиҳалаштирилган экан. Қаранг, биз орзу қилган ҳовли-жойлар истиклол берган имкониятлар туфайли болаларимизга насиб этди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида шинам ва кўркам ҳовли-жойга эга бўлган бахтиёр оилалар бугун вилоятда оз эмас. Қувонарлиси, маъзур Қарор ижросига мувофиқ бошланган хайрли ишлар қўламини тобора кенгайиб бормоқда. Айтайлик, 2009 йил 3 та мавсимада 60 та уй-жой қурилган бўлса, 2010 йилда 20 та ҳудудда бунёд этилган 680 та уй ўз эгаларига топширилди. Умуман, бунёдкорлар 2010-2013 йилларда етмиш икки массивда 2 минг 427 шундай уйни қуриб, қишлоқ аҳлига топширишди.

Янги қурилган массивларда инфратузилмани яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йиллар мобайнида мактаб, қишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ҳаммом, дорихона, гузар, бекат ва мини-банк каби юздан зиёд ижтимоий инфратузилма объектлари қурилди. Ичимлик суви ва газ қувурлари, электр тармоғи тортилб,

ички йўллар барпо этилди. Шу кунларда вилоятда мингдан ортқ намунавий уй-жой барпо этилмоқда. Қуриб битказилганлари пешма-пеш эгаларига топшириляпти.

Аҳолининг бундай уйлarga қизиқиши ортиб бораётгани бежиз эмас, - дейди Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Гулзода Пўлатова. - Чунки лойиҳа ўз номи билан намунали. Унда қишлоқ оиласи турмуши учун зарур барча жиҳатлар инобатга олинган. Юртбошимиз тавассици билан яшаш хоналарининг бандлиги 3 метрдан 3,2 метрга узайтирилгани, уйнинг олд саҳни ўзбекана айвон билан бошланиши, автомобилар учун махсус жой, уйга кираверишда қўл ювиш бўлинмаси ажратилгани, хавфсизлик нуқтаи назаридан иситиш қозонхонасининг бинодан ташқарига чиқарилиши - буларнинг бари шу уйда умргузаронлик қилиш истагида бўлганларга яратилган қўшимча афзалликлардир. Яна бир гап. Ҳозир қишлоқларда нима кўп - автомобил бўлди. Яқинда бир ҳамқишлоғимиз "Ҳисоблаб кўрдим, қишлоғимизда велосипеддан "Нексия" кўп экан", деб қолди. Шундай бўлсача, улар учун ҳовли ёнбошидан махсус жой албатта керак-да!

Мухтасар айтганда, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши туфайли вужудга келаётган янги-янги массивлар, обод маҳаллалар, замонавий инфратузилма объектлари, кенг ва раван йўллар туфайли қишлоқларимиз обод ва фаровон бўлиб бораётир. Энг муҳими, бу ижобий ўзгаришлар оддий инсонлар ҳаётида, улар онгу тафаккурда акс этмоқда.


Б. ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири.



XXI аср ва
АУШЕ

НЕМИСЛАР ҚОҶОҚЛАРГА ҚАРШИ

Германиянинг Саксония федерал еридаги Хайденау шаҳрида чет эллик қоҶоқларни қабул қилишга қарши бошланган норозилик акцияси кучли тартибсизлик келтириб чиқарди.



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакили берган маълумотларга қараганда, қоҶоқлар учун яқинда барпо этилган бошлана атрофида мингга яқин маҳаллий аҳоли тўпланди. Улар орасида ўта ўнгчи экстремистлар ҳам бор эди. Намойишчилар дастлабки қоҶоқлар тушган автобуслар

қарши тош, шиша идиш ва пиротехника воситалари улоқтирилди. Натижада, 31 полициячи жабр кўрди. Аҳолининг норозилик кўрсатишига қарамай, 130 дан зиёд полициячилар қоҶоқлар тушган автобусларни белгиланган манзилга етказиб, уларни жойлаштиришга муваффақ бўлдилар.

ҚУТҚАРУВ ОПЕРАЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Франс-Пресс агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Италиянинг қирғоқ хизмати Ливия соҳилларида ҳалокатга учраётган кемадаги 3 мингга яқин қоҶоқни қутқариш операциясини ўтказмоқда.

Мамлакат ҳукумати тўртта йирик кема ва 14 та ҳаво билан шиширилган кемадаги 2-3 минг қоҶоқ тарқатган SOS сигнални олди. Қирғоқ муҳофазасининг еттига кемаши шу заҳотиёқ табиий офат жойига йўл олиб, қутқариш операциясини бошлаб юборди.

Халқаро кўнчи ташкилотининг маълумотида кўра, шу йилнинг бошидан буён Ўрта ер денгизи орқали Европaga етиб олишга уринган 188 минг қоҶоқ қутқариб қолинди. Шунингдек, ўтган даврда 2 мингдан зиёд қоҶоқ ҳалок бўлди.

21 аъзо мамлакат қатнашаётган Европа Иттифоқининг навбатдаги саммитида раҳбарлар ушбу операция бюджетини ойига 3 миллион евродан 10 миллион еврога ошириш ва унинг тасарруфига қўшимча техника воситалари, жумладан, кема, вертолёт ва самолётлар етказиб беришни ваъда қилди.

ҚҮРБОНЛАРНИНГ КЎПИ ЎТ ЎЧИРУВЧИ ВА ПОЛИЦИЯЧИЛАР

Илгари хабар қилинганидек, Хитойнинг Тяньцзин шаҳрида кучли портлаш юз берган эди. Бугун қурбонлар сони 123 кишига етгани, яна 50 киши бедарак йўқолгани ҳақида хабар тарқатди "Синхуа" агентлиги.

Барча қурбонларнинг шахси аниқланганидан сўнг уларнинг 70 нафари ўт ўчирувчи ва 7 нафари полициячилар экани маълум бўлди. Фожиа оқибатида 800 га яқин киши жароҳат олди. 624 киши ҳамон шифохонада даволанмоқда. Улардан 44 нафарининг аҳоли оғир.

Агентлиқнинг маълум қилишича, портлаш зарбидан 2 километр радиусдаги уйлarning деразалари чилчил бўлди, мингдан зиёд автомобилларга жиддий шикаст етди. Портлашдан сўнг кучли ёнғин бошланди. Шундан кейин оғирроқ яна қўлаб катта-кичик портлашлар содир бўлди.

АМЕРИКА ҲАРБИЙ БАЗАСИДА ПОРТЛАШ

АҚШнинг Япониядаги Хонсю оролида жойлашган Сагамиҳара шаҳридаги ҳарбий базасида серияли портлашлар юз берди.

Ушбу бахтсиз ҳодиса қайд этилган фотосурат ва видеоёзувлар Исроилнинг Channel телеканали орқали намойиш қилинди. Бироқ, портлаш сабаблари ва фожиа туфайли жабр кўрганлар ҳақида маълумот тарқатилмади. ННК телеканалининг аниқлик киритишича, ҳарбий базанинг омборларидан бирида юз берган портлашдан сўнг кучли ёнғин бошланди. Оловни ўчиришга ўндан зиёд ўт ўчирувчилар гуруҳи сафарбар этилди.



Сагамиҳарадаги Америка ҳарбий базасида АҚШ армияси 1 корпуси, 500-ҳарбий разведка бригадаси, Япониянинг ўзини муҳофаза қилиш пийда кучлари ва бошқа бўлинмалар жойлашган.

ЮЗ ЁШЛАР ЯПОН БЮДЖЕТИГА ОРТИҚЧА ЮК

Kyodo ахборот агентлиги тарқатган хабарда маълум қилинишича, Япония ҳукумати 100 ёшларини нишонлаган мамлакат фуқароларига кумуш коса совға қилишни тўхтатдиган бўлди.

Мамлакат ҳукумати узоқ умр кўрувчилар кескин кўпайиб кетгани учун шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Жумладан, ўтган йили 29 минг япониялик 100 ёшнинг нишонлади. Ҳукуматнинг тахминий ҳисоб-китобига қараганда, 2018 йилга бориб, улар 39 минг кишига етади.

2014 йилда совға учун кумуш косалар харид қилиш ҳуқуқига 260 миллион иен (145 миллион рубль)га тушган эди. Бу мамлакат бюджетини учун сезиларли юк. Шунинг учун энди ҳукумат кумуш коса ўрнига арзонроқ бирор совгани ўйлаб топиш ёки таъриқ хати билан чекланишни тавсия этмоқда.

Япониядаги ўзига хос ушбу анъанага 1936 йилда асос солинган эди. 2014 йилда аёл японларнинг ўртача умри 86 йил, эркекларники эса 80 йилга тўғри келди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:

100000.
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,

233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Набатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ